

«Энг маърифатли имом-2019» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди



15:15 / 12.12.2019 3846

Яқунига етиб бораётган йил мамлакатимизда барча йўналишларда бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам янгиликлар, ислохотларга бой йил бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан масжидларда фаолият юритаётган имом-хатиб ва имом ноиблари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда «Энг маърифатли имом» кўрик танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам ушбу танлов кенг қамровда ўтказилди. Танлов уч босқичда: туман-шаҳар, вилоят ва Республика миқёсида бўлиб ўтди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Ушбу танловдан кўзланган мақсад бугунги тараққиёт талабларига жавоб берадиган, кучли илмий салоҳиятга эга, ташаббускор, илғор фикрли, замонавий ахборот технологияларидан етарлича фойдалана оладиган ва кенг оммага ўз фикрини етказиш қобилиятига эга бўлган энг иқтидорли, фаол имомларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашдир.

2019 йил 12 декабрь куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасида илк мартаба «**Энг маърифатли имом-2019**» кўрик танловининг Республика босқичи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичи ғолиблари иштирок этдилар.


Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Иштирокчилар Қуръони карим қироати ва тафсири, Ақоид, Фиқҳ илми, ижтимоий-маънавий соҳага оид саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, йил давомида амалга оширган ишлари, ОАВларидаги иштироки, тарғибот тадбирлари бўйича тақдимот қилдилар.

Айтиш мумкинки, бу йилдан танлов Низомига мувофиқ уни ўтказиш савиясига жиддий эътибор қаратилди. Иштирокчиларга бериладиган саволлар мураккаблашган. Чунки имом-хатиблар бугун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ўз устида ишлашлари, билимларини ошириб боришлари лозимлигини давримизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни белгиланган тизимда баҳолаб бордилар. Якуний натижаларга кўра «**Энг маърифатли имом-2019**» кўрик танловининг Республика босқичида қуйидаги иштирокчилар юқори ўринларни қўлга киритдилар:

1. Тошкент шаҳар «**Доруссалом**» **жоме масжиди** имом-хатиби Абдуқодиров Муҳаммадраҳим.
2. Тошкент вилояти «Абдуқаххор Махсум» жоме масжиди имом хатиби Абдулбосит Нусратуллаев.
3. Хоразм вилояти «*Мискин бобо*» жоме масжиди имом хатиби Қўзибой Машарипов ва Фарғона вилояти «Саид Жалолхон Тўра» жоме масжиди

имом хатиби Юнусхон Мамарасуловлар ғолиб бўлишди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Шунингдек, танловга ҳамоҳанг равишда йил давомида фаол хизмат кўрсатган, фидоий ва ўз ишида намуна кўрсатган имомлар қуйидаги йўналишларда тақдирландилар:

1. «Энг кўп обуна уюштирган имом» - Андижон вилояти Асака тумани «Холид ибн Валид» жоме масжиди имом хатиби Парпиев Шахобиддин
2. «Энг кўп мақола чоп этган имом» - Тошкент вилояти «Собирхон ота» жоме масжиди имом хатиби Суннатуллоҳ Эрназаров.
3. «Энг обод масжид имоми» - Жиззах вилояти Жиззах шаҳри «Хўжа Нуриддин ҳожи» жоме масжиди имом хатиби Абдумуттолиб Мусаев.

4. «Энг интизомли имом» - Навоий вилояти бош имом хатиби ўринбосари, Навоий шаҳар бош имом хатиби, Навоий вилояти «Оқ тош» жоме масжиди имом хатиби Дилшод Эргашев.

5. «Энг фаол имом» - Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани «Хазрати имом» жоме масжиди имом хатиби Фазлиддин Мухторовларга насиб этди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Ғолиблар ва иштирокчилар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.


Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти